

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

414 1996 йил учун капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун ҳисобланган акциз солиғи қийматининг бир қисмини «Ўзбекнефтгаз» МК корхоналари тасарруфида қолдиришнинг Вақтинчалик тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 250-1

(2012 йил 15 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 168-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 25-сон, 288-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 1996 йил 3 майдаги 44, 37-сонли «1996 йил учун капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун ҳисобланган акциз солиғи қийматининг бир қисмини «Ўзбекнефтгаз» МК корхоналари тасарруфида қолдиришнинг Вақтинчалик тартиби» (рўйхат рақами 250, 1996 йил 28 май) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

36 (536)-сон

— 67 —

414-415-моддалар

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2012 йил 30 август,
2012-25-сон

Б. ПАРПИЕВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2012 йил 30 август,
64-сон

Р. АЗИМОВ